O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2001 йил 7 февраль, чоршанба • №11 (11.296) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг*
*ҚАРОРИ*

## «ОНА ВА БОЛА» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

***2001 йил Ўзбекистон Республикасида «Она ва бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойишига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:***

1. Республика комиссияси томонидан Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар ва идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари ва нодавлат ташкилотлар билан биргаликда ишлаб чиқилган «Она ва бола» давлат дастури тасдиқлансин.

«Она ва бола» давлат дастури тадбирлари республика ва маҳаллий бюджетларда тасдиқланган аниқ манбалар ҳамда бажарувчиларнинг маблағлари билан таъминланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Давлат дастурининг асосий мақсадлари ва вазифалари ҳисоблансин:

дастурда мўлжалланган чора-тадбирларнинг оила манфаатлари амалга оширилишини таъминлаш, аёлларнинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, «Соғлом авлод» дастурига мувофиқ амалга оширилаётган барча лойиҳалар ва тадбирларнинг бундан буён амалга оширилиши, тўлиқ тугалланишига эришилиши билан мустаҳкам ўзаро алоқасини таъминлаш;

она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш, замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, профилактика тадбирларини мунтазам ўтказиш ёрдамида амалда тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда она ва болани парвариш қилиш тизимини яратиш;

ҳар томонлама жисмоний, маънавий ва ақл-заковатли болалар камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларда педагогика ва психологиянинг замонавий усулларини қўллаш асосида қатъий билимлар, эркин фикрлаш кўникмаларини шакллантириш, атроф муҳитнинг бойлиги ва хилма-хиллиги, жаҳон маданияти билан кенг таништириш;

энг яхши анъаналаримиз ва урф-одатларимиз асосида болаларни Ватанга ва халққа муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашда ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳаллаларнинг ролини кучайтириш;

мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш учун зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар билан биргаликда тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастури қоидалари асосида ҳамда минтақа ва тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир ой муддатда тегишли ҳудудий дастурларни ишлаб чиқсинлар, уларда аниқ чора-тадбирларни ва бажарилиш муддатларини назарда тутсинлар ҳамда уларнинг амалга оширилишини қаттиқ назорат остига олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар ва жамоат ташкилотлари:

тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастурида белгиланган тадбирларнинг ўз муддатларида сўзсиз бажарилишини таъминласинлар;

йилнинг ҳар чорагида ўз мажлисларида «Соғлом авлод» ва «Она ва бола» давлат дастурларининг бажарилишини кўриб чиқсинлар;

йилнинг ҳар чораги якунларига кўра ҳисобот давридан кейинги ойнинг 10-кунигача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқланган дастурий топшириқларнинг амалга оширилиши якунлари тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этсинлар.

5. «Она ва бола» давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 19 декабрдаги Ф-1306-сон фармойиши билан ташкил этилган Республика комиссиясига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси ҳамда Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплекси котибиятлари ва «Соғлом авлод учун» Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси тузилмалари Республика комиссиясининг ишчи органи этиб белгилансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, «Ўзтелерадио» компанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, республика оммавий ахборот воситалари «Она ва бола» давлат дастурида назарда тутилган чора-тадбирларнинг роли ва аҳамияти кенг тушунтирилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ.**
Тошкент шаҳри, 2001 йил 5 февраль.

## «АҚЛ-ИДРОКЛИ, ҚАТЪИЯТЛИ, СОБИТҚАДАМ БЎЛАЙЛИК!»

**Бу эзгу ният Тошкент вилояти фаол ёшларининг 2001 йилнинг 5 февраль куни Тошкент Аграр университетида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши қатнашчиларининг қалб амрига айланди**

Ўзбекистон ёшлари ҳаракатга келдилар. Таъбир жоиз бўлса, йигит-қизларимиз жамиятдаги, ҳаётдаги ўз ўринларини қайта идрок эта бошладилар. Улар Юртбошимизнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқларини қунт билан ўрганмоқдалар. Ундан келиб чиқадиган вазифаларни кенг муҳокама этмоқдалар. Мустақил мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичига мутаносиб ҳаракат йўналишларини шакллантиришга доир фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирмоқдалар. Эътироф этиш керак: навқирон авлод ўз зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис қилмоқда. Тошкент вилояти фаол ёшларининг Аграр университетида бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилиши бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, анжуманда ҳукм сурган фаолликдан ҳар бир йигит-қиз унга ўз айтадиган гапи, билдирадиган фикри ва таклифи билан келганлигини сезиб олиш мумкин эди.

Маълумки, 2001 йилнинг 30 январь куни Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини тузиш бўйича ташаббус гуруҳининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтган эди. Янги ижтимоий ҳаракат ташаббускор гуруҳининг таркиби тасдиқланди, низом ва дастур лойиҳалари ҳам муҳокама этилиб, асос учун қабул қилинди. Шунингдек, ушбу дастур ва низом лойиҳаларини барча вилоятларда кенг муҳокама этиш, билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида янада такомиллаштириш тавсия этилган эди. Вилоят ёшлари фаолларининг йиғилишида ана шу масалалар кенг муҳокама этилди.

Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташаббус гуруҳи раиси Ботир Убайдуллаев Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг дастури ва низомининг асосий мазмун-моҳияти, ундан кўзланган асосий мақсад ва тамойиллар ҳақида маъруза қилди. Айни вақтда ёшларни ушбу дастур ва низом юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифларини баён этишга чақирди.

Юқорида айтганимиздек, ёшларимиз фаол эдилар. Уларнинг ҳар бири мазкур ҳаракатнинг қабул қилинадиган ҳужжатлари лойиҳалари юзасидан фикр билдиришга ошиқарди. Йиғилиш мобайнида 20дан ортиқ киши ўз фикр-мулоҳазаси ва таклифини айтганлиги шу фаолликнинг далилидир. Яна қанча ёшлар ва йиғилиш иштирокчилари ўз таклифларини котибиятга тақдим этдилар. Албатта, ижтимоий ҳаракат дастури ва низомини қиёмига етказиш жараёнида бу истаклар ҳам ҳисобга олинади.

Янгийўл туманидаги қишлоқ хўжалиги машиналарини синаш ва фойдаланиш илмий-тадқиқот институтининг ходими Тоҳир Амирқулов, вилоят педагогика институти талабалари Дилбар Қўзиева, Олимжон Турсунбоев, республика «Камолот» жамғармаси Бекобод тумани бўлими раиси Акромжон Тоиров, Янгийўл касб-ҳунар билим юрти ўқитувчиси Мирзамуҳаммад Мирзараҳметов, Тошкент тумани халқ таълими бўлимининг маънавий-маърифий масалалар бўйича мутахассиси Таваккал Жўраев, вилоят адлия бошқармаси ходими Бобур Ашуров, «Камолот» жамғармаси Юқоричирчиқ тумани бўлими раиси Латифжон Мансуров, хуллас сўз олган ҳар бир киши нафақат ижтимоий ҳаракатнинг мақсад ва вазифалари, нафақат дастур ва низомни рисолага келтириб мукаммаллаштириш, балки, ушбу ҳаракатни ёшларнинг ҳақиқий таянчига айлантириш, мамлакатимизда ёшлар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти билан боғлиқ муаммолар ечимини топиш, ёшларнинг бошини қовуштириш, эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, уларнинг бугунги ва эртанги умидлари, дунёқарашини ўрганиш, қўллаб-қувватлаш, умуминсоний қадриятлар руҳида комил инсонни тарбиялаш, ёшлардаги истеъдодни рўёбга чиқариш учун муносиб шарт-шароитларни яратиш юзасидан ўз мулоҳазаларини, дилларидаги, қалбларидаги орзу-истакларини баён этдилар. Улар шу куни дадил гапирдилар. Қатъиятлик билан ўринли фикрлар билдирдилар. Барча тенгдошларини яратиб берилаётган имкониятлардан тўғри ва оқилона фойдаланишга чақирдилар.

Табиийки, айтилган сўзлар, фикр-мулоҳазалар, таклифлар бир хил эмас эди. Аслида шундай бўлиши ҳам керак. Лекин ҳаммасининг тагида битта нарса: бу ижтимоий ҳаракатни ёшларнинг чинакам суянчи ва таянчига айлантириш ғояси ётарди. Шу куни вилоят ёшлари демократик тамойиллар асосида одоб, аҳлоқ билан фикр билдирдилар, таклиф бердилар. Янги ҳаракатга вилоят ёшлари томонидан қизиқиш ғоят катта эканлигини баён этдилар.

Бизни, айниқса, бир нарса мамнун этди. Вилоятимизда жамоатчилик таянадиган ёшлар, соғлом куч барқарор. Эртанги кунимизни ана шундай қатъиятли, тиришқоқ, изланувчан, талабчан, юраги тоза, маънавий соғлом ёшлар яратадилар. Шу изланувчан кайфиятга, шу жўшқинликка муносиб етакчилар танлаб олинса, ёшларнинг сафи янада жипслашади. Уларнинг хоҳиш-иродалари ягона мақсад йўлида жамланади.

Тўғри. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бу йўлда белни маҳкам боғлаш, муаммоларни бартараф этиш, вақтинчалик қийинчиликларни енгиб ўтиш, мақсад сари, юксак истиқбол сари собитқадамлик билан олға бориш лозим бўлади.

Тошкент вилояти фаол ёшларининг йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ.***

## СЎЗ МУЛКИНИНГ СОҲИБҚИРОНИ



*Сўз мулкида гарчи кўп ўткан шоҳлар,*
*Сиз каби музаффар кишварситон йўқ.*
*Ҳоқондек сийлаган олий даргоҳлар,*
*Сизга тенг донишманд хисравнишон йўқ.*

*Йўқдир сиздек буюк ва табаррук зот,*
*Аҳли дилга шафиъ комил инсон йўқ.*
*Йўқдир аҳли жоҳга бергувчи нажот,*
*Калом кишварида фахри даврон йўқ.*

*Шодумон этгани аҳли замонни,*
*Инсон тилин билган бир забондон йўқ.*
*Яккалам қилгани озод давронни,*
*Закий соҳиб қалам бир сухандон йўқ.*

*Йўқдир сўзга шавкат бергувчи даҳо,*
*Муаззам тоғ каби бир соябон йўқ.*
*Йўқдур турк улусин уйғотган садо,*
*Ҳурликдан ўкирган бир арслон йўқ.*

*Гарчи ақлим олди не-не даҳолар,*
*Назм давлатида сиздек султон йўқ.*
*Падари бузрукдек қилмиш дуолар,*
*Сиздек менга азиз бир меҳрибон йўқ.*

*Йўқдир турк назмида сиз қадар даҳо,*
*«Хамса»дан буюкроқ асар ҳамон йўқ.*
*Йўқдир «Хазойин ул-маоний» — якто!*
*Сизсиз Хуросону буюк Турон йўқ.*

*Не бахт, мукаррамсиз аҳли оламга,*
*Сизсиз нозимларга даври даврон йўқ.*
*Қиличлар қудратин бермиш қаламга,*
*Сизсиз она замин, тоза осмон йўқ.*

*Йўқдир сизни азиз билмаган юртдош,*
*Сизсиз улусимга шарафу шон йўқ.*
*Йўқдир фалак узра балқиган қуёш,*
*Сизсиз бизга ҳаёт, ёруғ жаҳон йўқ.*

*Ҳамонки, маддоҳлар устамон, дилҳоҳ,*
*Ўзининг дардидан бўлак армон йўқ.*
*Санахонлик қилур — сўзамол, суллоҳ,*
*Тилини тийгувчи марди майдон йўқ.*

*Йўқдир калом қадрин баланд тутган зот,*
*Сўз бозори касод — фидойи жон йўқ.*
*Йўқдир суханварлар сарвари, Барот,*
*Иншодан бахтиёр аҳли иймон йўқ.*

*Не шараф, улусга Раҳнамо падар,*
*Қадрингиз сарбаланд этмаган он йўқ.*
*Миллий боғингизни қилиб мунаввар,*
*Сизга гул элтмаган аҳли замон йўқ.*

*Йўқдир сизга таъзим қилмаган меҳмон:*
*Президенту қирол, шоҳу султон йўқ.*
*Йўқдир номингизни билмаган инсон,*
*«Чордевон» етмаган ҳур хонадон йўқ.*

*Сиздек бунёд этиб олий қасрлар,*
*Ҳазрати Инсондан, балки шодмон йўқ.*
*Ҳавас қилиб арзир эллар, насллар,*
*Машриқда бундайин дорул-амон йўқ.*

*Йўқдир бундан обод дорус-салтана,*
*Улусга Ватандан азиз макон йўқ.*
*Йўқдир ўзга юртда бундай тантана*
*Сардордан фидойи Меъмор инсон йўқ.*

*Сиз миллат рамзисиз, миллат фахрисиз,*
*Сиздек шамсул миллат, зеби жаҳон йўқ.*
*Сиз билан тоабад баланд қадримиз,*
*Тангри назар қилган сиздек комрон йўқ.*

*Йўқдир сиздек элга азизу ғамхўр,*
*Улусин ўйлаган соҳиб девон йўқ.*
*Йўқдир ҳар каломи минг дурри шоҳвор,*
*Маснавийда сиздек фахри жонон йўқ.*

*Сизга шаҳар қурдик Навоий дебон,*
*Бундан зиёд, балки, зўр армуғон йўқ.*
*Замон фарҳодлари айлади бўстон,*
*Ўзбекдай меъмору қўли гул жон йўқ.*

*Йўқдир икки қадим шаҳарда армон,*
*Улуғ кентлар аро бундай бўстон йўқ.*
*Йўқдир ҳайрат билан боқмаган инсон,*
*Бир тўхтаб ўтмаган азим карвон йўқ.*

*«Янги Хамса» битдим, сизга, эй устод,*
*Бу айём бундан-да улуғ достон йўқ.*
*Бир умр боғингиз этурмен обод,*
*Мен сизни унутсам — Ўзбекистон йўқ.*

*Йўқдир сиздек ҳоқон бу жаҳон аро,*
*Назмда забардаст бир қаҳрамон йўқ.*
*Йўқдир пири комил бир достон аро,*
*Сўз мулкида сиздек Соҳибқирон йўқ!*

***Барот БОЙҚОБИЛОВ,***
***Ўзбекистон халқ шоири, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотининг лауреати.***

## ҚОМУСНИ УҚҚАН ҲУҚУҚИНИ БИЛАДИ

***ЗАНГИОТА тумани хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан маҳаллаларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишга бағишланган давра суҳбатлари ўтказила бошлади.***

АСОСИЙ Қонуннинг 47-, 52-моддаларини ўрганишга бағишланган ана шундай дастлабки давра суҳбатлари Эшонгузар қўрғони, Дўстлик, Байналмилал, Ойбек, Маданият маҳаллаларида бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар, ёшлар, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари иштирок этди.

Тумандаги барча маҳаллаларда ўтказилиши режалаштирилган давра суҳбатлари қатнашчиларига тўғри ва мукаммал тушунчалар бериш мақсадида файласуф ва ҳуқуқшунослар, шифокор ва ижодкорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари таклиф этилмоқда.

***Самад ЙЎЛДОШ.***

*Мустақиллик манзаралари*

## КЎЗ ОЧГАН БУЛОҚЛАР

*Бизнинг Эшонгузар қишлоғимиз Тошкентнинг шундай биқинида. Бу ёкларда қадим-қадимдан узумзор, олмазор, ўрикзор, ёнғоқзор, ноkзор боғлар сероб бўлган. Болалигимизда «Махамадшонинг олмазори», «Қодирхўжанинг ўрикзори», «Саъдуллабуванинг токзори», «Бегматвойнинг ноkзори» деган гапларни кўп эшитардик. Сигир-бузоқларни «Умаралининг сойи»да боқардик.*

Тонг отмоқда. Шундай паллаларда токзор айланиш одат бўлиб қолган. Бугун ҳам уни тарк этолмадим. Ҳаммаёқни бир текис қалин қор босган. Далалар жим-жит. Чилла эмасми, совуқ заптига олган. Айниқса, тонгги изғирин кучли.

Мудроқ ток қаторларига тикиламану эрта-индин теварак-атроф уйғониб кетишини, далалар яшнаб, ток навдаларида шўралар бодрай бошлашини кўз олдимга келтираман. Вужудимда ёқимли бир илиқлик пайдо бўлади, тонгги шу изғирин ҳам сезилмай қолади: «Бу — менинг боғим!».

Шу пайт синфдошим Дўмажон Муллажоновнинг изтиробли бир гапи ёдимга тушди. Олтмишинчи йилларнинг ўрталари, у Тошкент яқинидаги автокорхонада шофёр эди: «Машинам эски, у ёғини созласанг, буёғи шалдираб, бузилиб турарди. Охири механикка учрашдим:

— Машинамни ремонтга қўяйлик.

Шундай деганимни биламан, у ўшқириб берди:

— Менинг машинам дейсанми?! Валдирама! Бу ерда сенинг машинанг йўқ, бола! Бу гапимни икки қулоғингга исирға, бўйнингга тумор қилиб тақиб ол!

— Шундан буён ўзим-ўзим эмасман, — деган эди ўшанда Дўмажон алам билан. — Ҳали-ҳали ўзимга келолмаяпман. Ишдан кўнглим совиди».

У пайтлари бундай дунёқараш одатий тус олганди. Шахс билан унинг меҳнат воситаси ўртасида тубсиз жарлик пайдо бўлганди.

Мустақиллик эпкинлари Дўмажон каби инсонларнинг ўша изтиробларига барҳам берди. «Мен», «меники» тушунчалари синиқ кўнгилларда ўзгача бир кўтарилиш ҳосил қилди. Мудроқ кўзлар уйғониб, ҳаётга, меҳнатга муносабат ўзгарди. Буни ўз ҳаётимдан, мана шу токзор ҳақида гап очилса, ҳатто набираларимнинг тийрак кўзларида пайдо бўладиган шуъладан ҳам сезаман.

Яқинда эски қадрдоним Бегимқул Сафаров меҳмон бўлиб келди. Узун қиш кечаси мириқиб суҳбатлашдик. Ўзи Бекобод томонлардан. Гоҳ металл заводида, гоҳ ўша атрофдаги қишлоқларда ишлаб юргувчи эди. Ҳаёт машмашалари хўп толиқтирганди уни. Ўша суҳбат чоғи дўстимда алоҳида бир қатъият, шу кунларда теварак-атрофда кечаётган жараёнларга тийрак бир нигоҳ сездим. Илгариги ҳар нарсага ҳадик, иккиланиш билан қараш одатидан асар қолмапти.

— Ҳаракат қилсанг, меҳнатдан қочмасанг, ошиғинг олчи замон келди, дўстим, — деди у қўлидаги пиёлада чой совуб қолганлигини ҳам унутиб. — Бу кўклам Бўкага, «Кўкорол» жамоа хўжалигига кўчиб ўтдим. Пахта, шоли, макка хўпам бўлиб бердики, қўяверасиз. Ўғил юрарди кўча-кўйда сандироқлаб. Энди бўлса, эртамертан мол-ҳолни яйловга ҳайдаш пайига тушиб қолди. Келинингиз ҳам ҳаракатда денг: ғўза чопиғи, макка суви, шоли ўроғи... Эҳ-ҳе, қачон қараманг, ёнимда, далада. Дастурхонда қаймоқ, саримой, қопда дон, кандукда ун. Рўзғорга барака кирди. Билсангиз, ўзимни ўзим ҳурмат қиладиган бўлиб қолдим. Шуниси аниқки, энди менинг далам тайин. Уни боқсам, ҳаётим тўкис, рўзғорим бисёр, хонадоним нурли...

Бўка-Олмалиқ йўли устида яна бир қадрдоним бор. Қорақўйли қишлоғида Саидаҳмад Шарафхонов таниқли. Унинг хонадонида бўлсам, бугунги Ўзбекистонимиздаги эпкин, ўзгариш кўз ўнгимда бутун жўшқинлиги билан яққол гавдаланади. Ўзи яхшигина мутахассис. Уқувли, расамадли инсон. Янгиланиш палласини қучоқ очиб қаршилаганлардан. Тузуккина раҳбарлик ишини тарк этиб, ўз жамоа хўжалигидан ташландиқ, зах босган икки гектарча ерни ижарага олган. Сувини қочириб, тупроқни эпақага келтиргунича бола-чақаси билан қаттиқ ишлади. Бугун шу хонадон аҳли етиштирган анорлар Бўка ва Олмалиқ бозорларида харидоргир.

Ҳамма бир тусда дунёга келади. Ўсиб-улғайиб, дунёни ҳар тусда англай бошлайди, идрок этади. Бу фарқланишда қадим-қадим илдизлардан авлоддан авлодга ўтувчи, ўз ўзгармас қиёфаси, ранги, мазмуни билан намоён бўлувчи идрок нишона беради. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда ўзлигини таниган, ўз иқтидорини, салоҳиятини намоён этишга интилган одам борки, эски танишим Бегимқул айтмоқчи, ошиғи олчи. Бундай инсонлар ўз меҳнатлари билан ҳаётларини мазмунли қила олишларига тобора қатъий ишониб боришяпти. Қалбларга чуқур сингиб, иймонга айланган бу ишонч шундай катта кучки, у хонадонлар ҳаётини, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириб, турмуш тарзимизни алоҳида мазмун-моҳият билан тўлдириб, янги давр руҳини тобора мукаммал намоён этмоқда.

...Қор босган токзорни айланиб чиқаётсам, олис тоғлар ортидан қуёш ярқираб кўтарила бошлади. Кўзларим қамашиб, туриб қолдим. Тиниқ, мафтункор, ўзига чорловчи зангори нурлар борлиқни яшнатиб юборди.

***Жўра САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## ТАШАББУС ЎЛМАСИН, ИЗЛАНИШ СЎНМАСИН

**БИР ҲАФТА давом этган машғулотларда хўжалик раҳбарларидан ташқари туман ҳокимларининг қишлоқ хўжалик масалалари бўйича муовинлари, қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари бошлиқлари, шунингдек, тармоққа тегишли бошқа ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар.**

*(Ўқув машғулотлари ҳақидаги тўла тафсилот билан газетанинг 2-саҳифасида танишасиз).*

Қишлоқ ва ислоҳот

# ТАШАББУС ЎЛМАСИН, ИЗЛАНИШ СЎНМАСИН

## Илгари хабар қилганимиздек, Тошкент Давлат Аграр университетида вилоят қишлоқ хўжалик корхоналари (жамоа, ширкат, фермер хўжаликлари) раҳбарларининг ўқув машғулотлари бўлиб ўтди

**ЎҚУВ машғулотларини вилоят ҳокими Уммат МИРЗАҚУЛОВ очди. Республика Бош вазирининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Тўроб ХОЛТОЕВ раҳбарлар ўқувини ташкил этишдан мақсад, бу йил биринчи навбатда амалга оширилиши зарур бўлган муҳим вазифалар ҳақида нутқ сўзлади.**

**Тингловчилар миллий истиқлол ғоясини ва кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан бошлоб, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида маҳсулот етиштирувчиларнинг манфаатдорлигини таъминлаш, суғурта тизимини жорий этиш, ширкат хўжаликларида пайчиларга дивиденд ажратиш тартиби, оила пудратини ташкил этиш ва чек тизимини жорий қилиш, ички шартнома муносабатлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этиш, зарар кўриб ишлаётган хўжаликларни санацияга тортиш ёки улар негизида фермер хўжаликларини тузиш тамойиллари, шартнома-контрактацияларни расмийлаштириш, боғ ва токзорларни ижарага бериш, қишлоқда кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликка кенг йўл очиш, экинларнинг касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш, уруғчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғўзанинг фақат эртапишар, серҳосил, толаси сифатли навларини танлаб экиш, плёнко остида пахта етиштириш технологияси, хўжаликларга техник сервис ҳамда лизинг хизмати кўрсатиш, чорвачиликни ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари каби бугуннинг энг долзарб масолаларини чуқур ва атрофлича муҳокама қилдилар. Мавзулар жиддий ва мураккаб эканлиги ҳисобга олиниб, фалсафа, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги ва биология фанлари докторлари машғулотларга жалб этилиб, суҳбат, мунозара ва савол-жавоблар уюштирилди.**



*СУРАТДА: машғулот қатнашчиларидан бир гуруҳи.* **Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ЭЪТИРОФ этиш керакки, кейинги икки-уч йилдан бери вилоятларда кўпи билан тўртта, туманларда иккита ва хўжаликларда биттадан ғўза навини экиш одат тусига кириб қолди. Бу яхши, албатта. Бироқ асосий гап шароитга мос, эртапишар, ҳосилдор, толаси сифатли ғўза навини эринмай, тўғри танлай билишда. Нав мақбул бўлса, ҳосил ҳам, даромад ҳам яхши бўлади. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида пировард натижа яъни даромад масаласи табиий йўсинда биринчи ўринга чиқади.

Хўш, вилоятимизда бу масалада аҳвол қандай?

Уч минг гектар атрофида майдонга синов тариқасида экилаётган янги, истиқболли деб баҳоланган «С-4910», «С-4911», «Меҳр», «Илғор» каби навларни ҳисобга олмаганда, вилоятда ҳар йили «С-6425», «Наманган-77», «Тошкент-6», «Фарғона-3» навлари экиб келинади. Дастлабки учта нав эртапишарлиги, ҳосилдорлиги, толасининг сифати, жаҳон бозоридаги талаб жиҳатидан маҳаллий шароитга анча мос. Айниқса, «Наманган-77»нинг сифат кўрсаткичлари жуда яхши, жаҳон бозорида энг харидоргир, нархи ҳам шунга яраша.

Бироқ кейинги йилларда «Фарғона-3» навининг бозори касод бўлди, истеъмолчиларнинг талаби бутунлай сўнди. Шунга қарамай, тонна кетидан қувган, қандай бўлмасин режани бажариб, сохта обрў орттиришга одатланган айрим раҳбарлар «Фарғона-3»дан воз кечишга қарор қилинган бўлсада, ўзбошимчалик билан шу навни экдилар. Оқибатда вилоятга катта иқтисодий зарар етказдилар. «Жаҳон бозорида пахта толасининг сифат кўрсаткичлари бўйича харид нархлари» мавзусида маъруза қилган иқтисод фанлари доктори, профессор, «Сифат» республика пахта толасини сертификатлаш маркази бошлиғининг ўринбосари Р. Бўриев вилоятимиз пахтакорлари учун жуда керакли ва ибратли бўлган бир гапни айтди: «Ўтган мавсумда энг яхши пахта Тошкент вилоятида бўлди, энг ёмон нарх ҳам Тошкент вилоятида бўлди. Ваҳоланки, дунёда ёмон пахта бўлмайди, фақат ёмон нарх бўлиши мумкин». Олим сўзининг исботи учун «Фарғона-3» нави толасининг сифат кўрсаткичларига тингловчилар эътиборини қаратди. Бу нав толасининг микронейр кўрсаткичи 5,3 экан. Жаҳон андозасидаги меъёр бўйича эса 4,9дан ошмаслиги керак. Жаҳон бозорида «Фарғона-3» нави толасига талаб бутунлай сўнганлигининг асосий сабаби шу. Ғўза навини танлашда тавсияларни писанд қилмай, ўзбошимчалик билан йўл тутиш, жамоанинг моддий манфаати эмас, шахсий обрўсини ўйлаш шундай оқибатга олиб келади. Бундан айрим шуҳратпараст раҳбарлар тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур. Қолаверса, бундан буён жаҳон бозорида толанинг микронейри биринчи ўринга чиқади ва хомашёнинг харидоргирлигини асосан шу кўрсаткич белгилайди. Демак, бозор муносабатлари тоннани эмас, тола сифатини тан олади. Шундай экан, мақбул навни танлаб, сифатли тола етиштирганларгина барқарор даромад олиши мумкин.

Дарвоқе, навни тўғри танлай билиш у қадар мураккаб иш эмас. Ҳар бир туманда давлат нав синаш шахобчалари мавжуд. Жумладан, Чиноз туманидаги Охунбобоев номли, Пскент туманидаги «Пскент» хўжаликлари, Юқоричирчиқ туманидаги «Гулистон» корпорациясида шундай шахобчалар мунтазам иш олиб бормоқда. Тармоққа тегишли ташкилот ва хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари учун уларнинг эшиклари доимо очиқ. Негаки, нав синовчилар хўжаликлар билан амалий ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлар. Демак, раҳбар ва мутахассисларнинг нав синаш шахобчаларига тез-тез келиб, тажрибадан ўтказилаётган янги навларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишиб, аввалдан ўрганиб боришлари учун ҳамма имкониятлар бор. Бунинг учун фақат истак-хоҳиш, ташаббус бўлса бас. Эринмаган раҳбар бугуннигина эмас, балки келажакда қайси навни экиш иқтисодий жиҳатдан мақбул эканлигини олдиндан аниқлаб, тайёргарлик кўради ва асосий тармоғи пахтачилик бўлган хўжаликнинг иқтисоди ҳам мустаҳкамланиб боради.

Тингловчилар туманлардаги мавжуд уруғчилик хўжаликлари фаолиятини танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилдилар. Маълумки, уруғчилик хўжаликларига катта имтиёзлар берилади. Энг муҳими улар етиштирган маҳсулотларга юқори нархда ҳақ тўланади. Бу эса турли кўринишдаги суиистеъмолчиликларга, кўпинча таниш-билишлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл очиб беради. Оқибатда уларнинг пахтаси номигагина уруғлик ҳисобланиб, аслида оддий хўжаликларникидан фарқ қилмайди. Бундай қалбакичилик пахтачиликка наф келтириш ўрнига катта иқтисодий зарар етказиши табиий ҳолдир. Шу боис кўплаб тингловчилар «Қандай хўжаликларни уруғчиликка ихтисослаштириш лозим?» деган масалани манфаатдорлик билан, жон куйдириб муҳокама қилдилар. Хулоса шуки, бундай хўжаликларни ер, сув ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда танлаш зарур. Раҳбар ва мутахассислари ҳам ҳар томонлама билимдон, малакали бўлишлари, уруғлик пахта етиштиришнинг ўзига хос агротехникасини мукаммал билишлари лозим. Бир сўз билан айтганда, уруғлик пахта етиштиришнинг ўзига яраша мураккаблиги, машаққат ва ташвишлари бор. Зеро, имтиёзлар бекорга берилмайди. Шундай экан, бундай хўжаликларни ўғит, сув, кимёвий дорилар, техника воситалари билан биринчи навбатда таъминлашдан ташқари, улар етиштирган ҳосилнинг сифатига бўлган талабни кучайтириш ва жавобгарликларини ошириш керак бўлади.

Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, биология фанлари доктори П. Иброҳимов уруғлик чигитни экишга тайёрлаш ва уни тежаш йўллари хусусида тингловчиларга қимматли маслаҳат ва тавсиялар берди. Хўжаликларнинг раҳбарлари уруғликни дорилаб, тайёр ҳолда етказиб беришларини хотиржам кутиб ўтирмай, пахта заводларига тез-тез бориб, чигитга ишлов бериш жараёнларини кузатиб, камчилик ва нуқсонларни кўрсатиб, юзакичиликка йўл қўйилмаслигини талаб қилиб туришлари лозим. Чунки, айрим пахта тозалаш заводларида уруғлик чигитни қўл учида тайёрлаш, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилида иш тутиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бундай уруғлик бошидаёқ ола униб чиқади, ниҳоллигидаёқ ҳар хил касалликларга чалиниб, яна бир қисми нобуд бўлади, қолганлари ҳам нимжон бўлиб ўсади. Оқибатда бундай майдонларда биринчидан, тўлиқ кўчат олинмайди. Иккинчидан, ғўза яхши ривожланмайди ва ҳосил кеч пишади. Энг ёмони, ҳосилдорлик ҳам, тола сифати ҳам паст бўлиб, даромад бой берилади.

Олим П. Иброҳимовнинг далолат беришига қараганда Қуйичирчиқ тумани уруғлик чигитни тежаб экиш бўйича нафақат вилоят, балки, республикада биринчи ўринда туради. Бу ерда аниқ уялаб экиш мукаммал ўзлаштириб олинганлиги туфайли гектарига бор-йўғи 35 килограмм чигит сарфланади, холос. Бу айрим туманлардагига нисбатан уч-тўрт баравар камдир. Ана шу илғор тажриба вилоят бўйича тўла ўзлаштирилса, биринчидан, чигитни тежаш ҳисобига катта иқтисодий самара кўрилади. Иккинчидан, майдонларда керакли микдорда кўчат олиниши таъминланиб, ҳосилдорлик барқарорлашади, даромад ҳам муқим бўлади.

Маълумки, жаҳон бозорида пахта толасининг нархи ўзгариб туришидан ташқари, сифат кўрсаткичларига қараб, кескин фарқ ҳам қилади. Профессор Р. Бўриевнинг таъкидлашича, бунда толанинг тозалик ва ифлослик даражаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Масалан, «олий» ва «яхши» баҳо олган толага тегишли фоизларда ҳақ қўшиб тўланади. Ўртадан қуйисининг эса, аксинча, ҳақидан қирқилади. Машғулот чоғида шундай мисол келтирилди: республика бўйича ўтган йил ҳисобидан сотилган ифлос толанинг маълум қисми Тошкент вилояти улушига тўғри келибди. Пойтахт вилояти шаънига номуносиб бундай иллатнинг сабабларини биринчи галда пахта заводларида қилинаётган айрим номаъқулчиликлардан изламоқ лозим. Айрим пахта тозалаш заводлари фақат ўзининг иқтисодий манфаатини ўйлаб, хўжалик ва туманларнинг, демакки, бутун вилоятнинг иқтисодиётига катта зарар етказмоқда. Ҳатто, электр қувватини тежаш баҳонасида толани тозалашга хизмат қилувчи айрим агрегатларни ўчириб қўйиш ҳоллари учраётгани ҳақида мисоллар келтирилди.

Машғулот қатнашчилари бу ниҳоятда муҳим масала эканлигини таъкидлаган ҳолда бундан буён пахта тозалаш заводларидаги иш жараёнларини назорат қилишни кучайтириш, ҳар хил номаъқулчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш хусусида келишиб олишди.

Тингловчилар плёнка остида пахта етиштириш технологиясини ҳам кенг ва чуқур ўрганиш масаласига манфаатдорлик билан ёндошдилар. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош директорининг муовини, иқтисод фанлари номзоди М. Султонов хўжалик раҳбарлари ва мутахассисларига чигитни плёнка остига экишнинг барча афзалликларию мураккабликлари ҳақида батафсил сўзлаб берди. Модомики, асосий мақсад пахтачиликда ҳосилнинг асосий қисмини сентябрь ойидаёқ йиғиб-териб олиш имконини яратадиган технологияни жорий этиш экан, плёнка остида пахта етиштириш усули ана шу технологиянинг энг муҳим бўғинидир. Биринчидан, сув 25 фоиздан 40 фоизгача тежалади. Одатдаги 7-8 марта ўрнига 3-4 марта (неча марта суғорилишига қараб) культивация қилинади. Иккинчидан, ҳосилдорлик камида 10-12 центнер ошиб, юқори навга сотиладиган пахта кўпаяди. Учинчидан, йиғим-терим муддати 25-30 кун давом этади ёки қарийб икки баравар қисқаради. Натижада ҳамма майдонларга сентябрь ойидаёқ ғалла экиб олиш имконияти туғилади ва дон ҳосилдорлиги ҳам мутаносиб равишда ортади. Буни андижонлик пахтакору ғаллакорлар амалда исботлашмоқда.

Бироқ плёнка остида пахта етиштиришнинг ўзига яраша мураккабликлари ва машаққатлари ҳам бор. Аввало, ерлар махсус тайёрланиши яъни майдонда ғўзапоя қолдиқлари мутлақо бўлмаслиги керак. Бир пудратчи оилага бириктириладиган пахта майдони 1-1,5 гектардан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда парваришни эплаб бўлмайди.

Бу йил вилоят бўйича 15 фоиз майдонга чигитни плёнка остига экиш режалаштирилган. Ҳар бир туман ва хўжаликда ҳам шунчадан майдон ажратилади. Бунда ерни танлаш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, шўр, қумли ва тошлоқ ерларда плёнка остида пахта етиштириш тавсия этилмайди. Шунингдек, ҳар бир пудратчи оила билан алоҳида шартнома тузиш, махсус сеялкаларни етарлича келтириш ва раисдан бошлаб экишда қатнашувчи ҳар бир кишининг уни мукамал ўрганиши, плёнка остида пахта етиштиришнинг бутун масъулиятини шахсан раислар ўз зиммаларига олишлари лозимлиги ҳам ушбу янгича технологиянинг муҳим шартларидир.

Биз танаффуслар чоғида тингловчилар билан энг жиддий муаммолар хусусида суҳбатлашдик. Улар пудратчи оилаларга ҳамма ерда ҳам бирдек тенг шароит яратилмаётгани ҳақида куюниб гапирдилар. Маълумки, пахтакор билан ғаллакор топадиган даромад кескин фарқ қилади. Масалан, буғдой эккан пудратчи шартномадагидан ортиқча етиштирган ҳосилини ўзига олади. Пахтакорда бундай имконият йўқ. Шу боис айрим хўжаликларда ғалла майдонларини асосан ошна-оғайни, таниш-билишларга бўлиб бериш ҳоллари учраяпти. Уларга пахта майдони номигагина ажратилади. Оқибатда айримлар 10-15 тонналаб буғдойни уйларига ташиб оладилар. Бошқалар эса (яъни пахтада ишлайдиганлар) бундай имкониятга эга эмаслар. Демак, ҳамма пудратчи оилаларга ғалла ва пахта экишда тенг имкониятлар яратиб берилиши керак. Шунда ҳамма манфаатдорлик билан ишлайди ва ҳосилдорлик ошиб, хўжаликнинг иқтисодий мавқеи мустаҳкамланиб боради.

Ўқув-машғулотлари жараёнида яна бир муҳим масала тилга олинди. Маълумки, хўжаликларда етиштириладиган пахтанинг 30 фоизи, ғалланинг эса 50 фоизи белгиланган давлат харид нархларида, қолгани эса келишилган баҳода сотилади. Бу йил ана шу тартибнинг қатъий жорий этилиши маълум қилинди. Бу эса хўжаликларнинг, демакки, пахтакору ғаллакорларнинг даромадлари анча ортади, деган сўздир.

**Хулоса қилиб айтганда, бу йилги ўқув машғулотлари ҳар томонлама самарали бўлди. Хўжалик раҳбарлари муқим янгилик ва илғор тажрибаларни ўргандилар. Айрим тингловчиларнинг қуйида эълон қилинаётган фикр-мулоҳазалари ҳам шундан далолат беради.**

– Нав масаласини олайлик, – **дейди Янгийўл туманидаги «Ниёзбош» ширкат хўжалиги раиси Абуғани ЮСУПОВ**, – ҳозирги бозор иқтисоди шароитида деҳқон қайси нав чигитни эккани маъқул? Қайси нав ҳосили баракали ва си-



фатли бўлади? Бу ҳақда чуқур ўйлаб, сўнг аниқ бир қарорга келиш шарт. Зотан эндиликда нав танлашда бир вақтлардагидек, ўзбошимчалик билан иш юритиб, мавсумда катта-катта майдонларга 4-5 хилдаги навларни экишга асло йўл қўйиб бўлмайди. Аҳир синалмаган отнинг сиртидан ўтма, деган нақл ҳам бор-ку. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда кўпи билан битта навни экиш ва агротехникасини қойилмақом қилиб амалга ошириш шартлиги ўқув машғулотларида алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Биз шу йўлдан боряпмиз. Узоқ йиллардан буён далаларимизда пахтанинг синалган «С-6524» навини экиб келаяпмиз. Хаётий тажрибаларимиз биз жуда тўғри иш қилаётганимиздан далолат беради. Чунки, деҳқонларимиз бу нав ғўзани қачон, қай маҳалда ва неча марта суғориш, озиқлантириш меъёрларини беш қўлдек билиб олганлар. Шунинг учун ҳам ҳар йили барқарор ҳосил олиб, режамизни муддатидан илгари анча ошириб бажаришга эришиб келмоқдамиз.

Бундан ташқари 600–700 тоннага яқин уруғлик пахта етказиб бермоқдамиз. Деҳқонларимиз бу соҳадаги масъулиятни чуқур хис этган ҳолда меҳнат қилаётганликлари учун яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ўқув жараёнидаги машғулотларда ғўзанинг зараркундаларига қарши курашишда биологик усулдан фойдаланишга алоҳида ахамият бериш зарурлиги ҳам таъкидланди. Бу гапларни эшитгач, кўнгилга тугиб юрган бир мулохазамни айтишни лозим деб топдим. Гап шундаки, биз ҳар йили ўз эхтиёжимизга яраша зараркунанда ҳашарот кушандаларини Бекободдаги биология лабораториясидан олиб келиб, пахтазорларга қўямиз. Ўртада қанча оворагарчилик, сарф-харажат. Шуни ҳисобга олиб, ўз хўжалигимизда ихчамгина лаборатория ташкил қилишни режалаштириб қўйдик.

– Хўжалигимизда экинга ярокли майдонлар 11 минг гектарни ташкил этади, – **дейди Оҳангарон туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги раиси Соғлом БОЛАШОВ**. – Шундан 800 гектари сувли ерлар ҳисобланади. Биз бу майдонларда асосан ғалла етиштириб келяпмиз. Ўқув машғулотларида республикамизда, шу жумладан, вилоятимизда ғалла мустақиллиги учун кураш ҳақида гап борганда, бу экинни зараркунандалардан, айниқса, қоракуядан сақлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Ҳеч муболағасиз айтишим мумкинки, биз, қоракуянинг давосини топганмиз: ўзимизнинг маҳаллий селекционерларимиз томонидан етиштирилган буғдойнинг «Маржон» навини экамиз. Бу навнинг муҳим хусусиятларидан бири қоракуя касаллигига чидамлилигидир. Агар агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказиб турсангиз, касалликка асло бўй бермайди.

Ўқувнинг фойдаси ҳақида гапираман десам, гап кўп. Мулоқот, савол-жавобларнинг очиқчасига бўлганлиги ҳар биримизни мамнун этди. Дилдаги гапларни ҳеч тортинмай, ўртага ташладик. Мана улардан бири: бир неча йилдирки, ёқилғи, ўғит фонди юқоридан белгиланади ва қатъий қилиб қўйилади. Хўш, нега энди? Деҳқоннинг ер майдони, шароити, мавжуд техникаларнинг эски ёки янгилиги аниқ ҳисобга олинмайди. Ахир қанча микдорда ёқилғини қачон олиш, ундан қай тартибда фойдаланишни деҳқоннинг ўзи яхши билади-ку! Нега унинг бу хусусидаги мулоҳаза, таклифлари ҳисобга олинмайди?

Меҳнатига яраша рағбат, манфаат кўрган деҳқон эса, албатта, ҳар бир тадбирни ўзи билиб, вақтида ва сифатли амалга оширади. Бу борада уларга ўргатишнинг, кўрсатма беришнинг ҳожати йўқ.

Биз ўқишдан қайтиб боргач, деҳқонлар, ижарачи, фермерларимизни йиғиб, улар билан биргаликда йил якунини яна бир бор таҳлил қилиб чиқамиз. Қандай ютуқларга эришдик, бу ютуқларни янада кўпайтириш имкониятлари борми? Йўл қўйган камчиликларимизнинг ўзаги нимадан иборат? Бу ҳақда ижарачилар билан яккама-якка суҳбатлашамиз. Ишни эплай олмаганларга «ўрнингизни эплайдиганларга бўшатиб беринг», деб очиқ айтамиз. Шундай қилмасак, бўлмайди. Чунки, талаб ортиб боряпти. Ғаллачиликдаги эришган озми-кўпми муваффақиятларимизни амалий иш билан мустаҳкамлашимиз, ҳосилдорликни камида 40 центнерга етказишимиз керак.

– Мени хурсанд қилган нарса шу бўлдики, – **дейди Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли ширкат хўжалиги раиси Комилжон КАРИМОВ**, – ўқув жа-



раёнида фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бориши ҳақидагина гап бўлмай, балки, қишлоқларда маданий-маиший шароитларни яхшилаш, хусусан, мактабларда олиб борилаётган таълим-тарбия ишларининг самарадорлигини ошириш, «Оналар ва болалар йили»да ёш авлод ҳақида ғамхўрлик масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Сўзга чиққан нотиқлар ўзларининг бу соҳадаги тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Хусусан, менга Бўстонлиқ туманидан келган ҳамкасбимнинг тажрибаси жуда маъқул бўлди. У ўз хўжалигидаги мактабда устозлар – ўқитувчилар, аълочи ўқувчилар ҳақида қандай ғамхўрлик қилинаётганлиги ҳақида гапириб, шундай деди: «Биз ҳар бир чорак якунини обдон ўрганамиз, таҳлил қиламиз. Бу чоракда синфда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини 80 фоизга олиб чиқишни таъминлаган ўқитувчига 10 минг сўм мукофот берамиз». Яхши усул. Қизиқтиришнинг, манфаатдорликнинг, ўз касбига меҳр ва ихлос билан муносабатда бўлишни таъминлашнинг амалий йўли эмасми бу? Ҳа, шундай, албатта.

Дарҳол мен ҳам ўзимча хомчўт қилиб қўйдим. Хўжалигимизда 3та мактаб бор. Уларда 200дан ортиқ ўқитувчи меҳнат қилади. Дейлик, ҳар бир чоракда камида 10-12 ўқитувчи яхши натижага эришди. 4 чоракда бундай ўқитувчилар сони 40-50 кишини ташкил этади. Уларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул мукофоти берсак, йил давомида 400-500 минг сўм бўлади. Бундан ташқари ҳар бир чоракда 40-50, йил давомида эса 200-250 нафар энг аълочи ўқувчини танлаб, ҳар чоракда 1000 сўмдан мукофот берсак, йил давомида 250 минг сўм пул керак бўлади. Демак, тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, ўқитувчию-ўқувчиларни рағбатлантириш учун 1 миллион сўмга яқин пул сарфланади. Бу эса ҳар йили ўрта ҳисобда 50 миллион сўм атрофида соф фойда олаётган хўжалик учун ҳеч гап эмас.

– Ўқувнинг биринчи кунида уни очаётиб, сўзга чиққан вилоятимиз ҳокими Уммат Мирзақулов «Биродарлар мени кечиринглар-у, айримлар ўйлаганидек, ўқувга келиш ва қатнашиш дам олиш эмас. Олимлар, мутахассислар, маърузачиларнинг гап-сўзларини диққат билан эшитиб, мағзини чақинглар, мулоқотга киришинглар, фойда олиб қолинглар» деб огоҳлантирдилар, – **деди Бўстонлиқ туманидаги «Сойлиқ» ширкат хўжалиги раиси Тохиржон ХАМИДОВ**. – Бошқаларни билмадим-у, бу гап менга қаттиқ таъсир қилди. Ўқувда кўтарилган масалаларни диққат билан эшитиб, ўрганиб, маърузачилар, сўзга чиққанларнинг гап сўзларини жон қулоғим билан эшитдим ва оқибатда ўзим учун кутилмаган бир янгиликдан хабардор бўлдим.

Яхши биласизлар, помидор сабзавот экинлари орасида халқ истеъмол қиладиган асосий тури ҳисобланади. Бир вақтлар бу экиннинг ҳар гектаридан 60-70 тоннага етказилиб ҳосил олинган. Кеч кузгача даладан помидор ҳосили узилмаган. Лекин ҳозирги кунга келиб, ҳосилдорлик бор-йўғи 15-16 тоннага тушиб қолди. Бунинг сабаби аён.

Кўчатларни саралаймиз, вақтида экамиз, қаровни ўрнига қўямиз. Аввалига помидор туплари дуркун бўлиб яхши ўсади, шиғил-шиғил ҳосил тугади, кўриб хурсанд бўламиз. Лекин, бу ҳосил қизариб, пиша бошлаши билан туплари айнийди, танаси сарғайиб, барглари бужмайиб, қурий бошлайди. У ёққа югурамиз, бу ёққа югурамиз, мутахассислар, сабзавоткор олимларга учрашамиз. Нима қилиш керак, давоси борми?

Қарангки, машғулотда сўзга чиққан олим помидорни адойи тамом қилаётган ва бошқа экинларга ҳам ўтиб кетаётган бу касаллик занг канасидир, деб қатъий қилиб айтди.

Афсуски, ўқувда бу канага қачон ва қай маҳалдан бошлаб самарали кураш олиб бориш усули ҳақида аниқ бир фикр ва тавсиялар айтилмади. Муаммо тўлалигича ечилмай қолаверди. Биз аминмизки, олимларимиз барибир бу зараркунанда хашаротга қарши курашнинг йўлини топадилар ва сабзаворкорларга бу борада амалий ёрдам берадилар. Бошқача бўлиши мумкин эмас.

– Ростини айтсам, ўқувда қатнашиб, қишлоқ хўжалигига оид билимларимни бойитиб, малакамни анча оширдим, – **дейди Чиноз тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Усмонали УМАРОВ**. – Биринчи хулосам шу бўлдики, пахта уруғ-



чилиги соҳасидаги ишларимизни яна ҳам такомиллаштириб боришимиз шарт. Шу маънода уруғлик пахта етиштиришга ихтисослашган Навоий номли ширкат хўжалигида бу йил қайси навни кўпроқ синаб кўриш мақсадга мувофиқлиги ҳақида аниқ бир қарорга келиб олишимиз керак.

Андижон технологияси ҳақида ҳар йили кўп яхши гаплар ва таклифлар айтилади. Ўқув жараёнида моҳияти эртаки ва сифатли пахта етиштиришдан иборат бу технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш ва юксак самарага эришиш йўллари аниқ мисоллар билан бизга исботлаб берилди ва биз бу технологияни жорий этишда бироз сусткашликка, баъзида эса лоқайдликка йўл қўяётганлигимизни ҳис этдик. Эндиликда бунга йўл қўйиш – элнинг ризқига ҳиёнат қилиш билан баробар, деб айтиш жоиздир. Шунинг учун ҳам бу соҳадаги ишларимизни, режаларимизни пухта ўйлаб амалга ошириш талаб этилади. Тараддудни аллақачон бошлаб юбордик. Бу йил туманда 1100 гектар майдонда плёнка тагида пахта етиштирилади. Қайси хўжаликда, қанча ерга плёнка тагига чигит экилиши ва бу муҳим тадбирни кимлар, қайси деҳқонлар, фермерлар амалга оширишини белгилаб чиққанмиз. Ҳаво жўнашиб кетиши биланоқ, «Гулзоробод» хўжалигида амалий машқлар ўтказишга киришамиз.

Ўқувдан яна бир муҳим хулоса: кўсак қурти, шира каби ғўза зараркунандаларига қарши курашни яна ҳам намунали йўлга қўйиш учун туманимизда хўжаликлараро йирик биолаборатория ташкил этиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди, деб ҳисоблайман.

***Носир РИХСИЕВ, Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбирлари.***

Қарор ва ижро

# МАҚСАД — ОММАВИЙЛИККА ЭРИШИШ

***Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгашининг раёсати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг «Ўзметкомбинат» акциядорлик-ишлаб чиқариш бирлашмасида бажарилиши билан боғлиқ масалани кўриб чиқди.***

Бугунги кунда металлурглар ва уларнинг фарзандлари касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги спорт-соғломлаштириш мажмуи, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида жисмоний чиниқиб, маҳоратларини оширмокдалар. Спортнинг тўққиз тури бўйича 16 гуруҳда машқлар олиб борилаётир. Машғулотлар 16 тренер раҳбарлигида ўтаяпти. Алоҳида икки соғломлаштириш гуруҳида 60дан ортиқ ишчи шуғулланади.

Сўнгги йилларда корхона спортчилари вилоят, республика ва халқаро мусобақаларда кувончли натижаларга эришиб келишаётир. Айниқса, «Металлург» жамоаси Ўзбекистон футбол чемпионатининг олий лигасида қизиқарли ўйинлар кўрсатмокда. У Бухоро шаҳрида ўтган республика биринчилигида фахрли ўринга кўтарилди.

Таэквандочи ўсмирлар эса Ўзбекистон чемпионатида 4та медални қўлга киритишди. Бекобод металлургларининг вакиллари шу мусобақаларда умумкоманда ҳисобида иккинчи ўринни эгаллашди. Корхона таэквондочилари самбо бўйича Жаҳон, Осиё ва МДҲ давлатлари биринчиликларида муваффақиятли қатнашиб, иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди. Тошкент вилоятининг очиқ биринчилигида комбинат жамоаси учинчи ўринга чиқди.

Раёсат мажлисида цехлараро, оилавий жамоалар ўртасида мусобақалар мунтазам тус олганлиги алоҳида таъкидланди. Футбол, волейбол, кураш, теннис, сузиш, бокс, оғир ва енгил атлетика мусобақалари спортчиларнинг янги-янги бўғинлари етишиб чиқаётганлигини кўрсатяпти. «Соғлом онадан — соғлом бола» шиори остида ўтган аёллар спартакиадаси бу жиҳатдан алоҳида эътиборга лойиқ бўлди.

Спорт мусобақаларини касаба қўмитаси ўз ҳисобидан молиялаштириб келмокда. Кейинги икки йилда шу мақсадлар учун 1 миллион 668 минг сўм касаба маблағлари сарфланди. Шу муддатда 2 миллион 365 минг сўмлик спорт жиҳозлари сотиб олинди.

Раёсат жисмоний тарбия ва спорт ишларини ташкил этишдаги муайян камчиликларни ҳам эътибордан қочирмади. Чунончи, спорт тадбирлари асосан катта-катта байрамлар арафасида ўтказилади. Спортнинг оммавийлиги таъминланмаётир. Спорт разрядчилари, мастерликка номзодлар тайёрлашга эътибор етарли эмас. Вазирлар Маҳкамасининг қарорида спортнинг миллий, оммавий турларини ривожлантириш, спорт клублари очиш юзасидан аниқ йўл-йўриқлар белгиланган. Лекин касаба қўмитаси бу борада изчиллик кўрсата олмаяпти.

Раёсат бу масала юзасидан қабул қилган қарорда касаба қўмитасининг эътибори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурининг изчил бажарилишига, спортнинг оммавийлиги ва мусобақаларнинг самарадорлигини оширишга, мавжуд спорт иншоотлари имкониятларидан янада тўлиқроқ фойдаланишга қаратилди.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

Буни хаёт дейдилар

# «ЎЗИНГИЗ ПИШИРГАН ОШ...»

**...Манзура опа тўнғич қизини аввал сўраб-суриштириб, ундан кейин узатган эди. Бир ярим йил ҳам ўтмай, ажратиб олиш пайига тушиб қолди. Нима эмиш, қизининг қорни овқатга тўймаётган эмиш. Агар қизини ажратиб олмаса, умрбод хор-зор бўлиб ўтармиш. Уни кўпчилик бўлиб ўртага олишди:**

– Ундай қилманг. Беш бармоқ баробар эмас-ку, ахир. Куёвингиз бўлмиш Зафаржон зиёли, тилло йигит. Ҳозир оч қоладиган замон эмас. Қолаверса, қизингиз тушган хонадондаги ҳамма эркаклар ишлашади. Сизнинг таънангиз зиёли хонадон аъзолари шаънига муносиб эмас. Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир дейишади.

Манзура опа уйда ўз «ҳукми»ни ўтказадиган аёллар сирасидан бўлганлиги боис, кексаларнинг гапини индамай эшитди-ю, ўз режасидан қайтмади. Кўнглидан шундай гаплар ўтди: «Кунора қизим оч қолаверса, қурумсоқлар буни ўйлашмаса. Қачонгача мен ўз уйимдан озиқ-овқат ташиб юраман. Битта боласи билан ҳозир ажратиб олмасам, кейин уч-тўртта бўлганда қаёққа сиғдираман. Насиҳат қилишдан осони борми».

Рост, Манзура опанинг хонадонида пул ҳам, бойлик ҳам етарли. Ҳашаматли уй-жойи, қатор-қатор машина, еди-ичдиларни айтмаса ҳам бўлади. Икки ўғил ва уйнинг эркаги бўлмиш Мадиёр ака тижоратчи. Топиш-тутишга қараб рўзғор ҳам файзли. Лекин, яккаю-ягона қизининг бахти-чи?..

Манзура опа айтганини қилди. Қизини қўлида ширингина ўғли билан ажратиб, уйга олиб келди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас, Ижозатхон бошқа бир бадавлат оилага қўлидаги ўғилчаси билан узатилди.

Иттифоқо, бир куни Манзура опа қўшнисига ёрилди:

– Опажон, қизимни олдинги турмушидан ажратиб, номаъқул иш қилган эканман. Қорни тўймагани ҳам ҳолва экан, ҳар ҳолда кўз очиб кўрганидан калтак емас эди. Норасида боласи бор, неварамга увол бўлди. Янги куёв болани чиқиштирмаяпти: «Бу менинг зурриётим эмас, йўқот кўзимдан, ўз отасига бериб юбор. Йўқ десанг, ўзинг ҳам керак эмассан», – дермиш. Энди нима қиламан? Неварам ҳозир уйда. Ҳар куни гоҳ отам деб, гоҳ онам деб хархаша қилади. Отанг хизматда, келиб қолади деб алдайман. Онам деб йиғласа, қизимнинг йўлини пойлаб ҳалак бўламан. Назаримда неварам улғайган сари ҳамма гапдан хабардор бўлиб, мени ёмон кўриб қоладиганга ўхшайди.

– Энди ўзингиз пиширган ош, айланиб ҳам, ўргилиб ҳам еяверасиз, – қўшни кўнглидаги ҳақ гапни айтди-қўйди.

Манзура опа оғиз очиб бир нима деёлмади. Ўртада фарзанд сарсон бўлиб қолгани эса, манманлик, такаббурликнинг аччиқ меваси эди, холос. Ҳалол, пешона тери билан топилган, ойлик маош билан ҳам кун кечираётган оилалардаги меҳр-оқибат, ҳеч кимга вафо қилмаган беҳисоб мол-дунё, бойликлардан афзал эмасми, азизлар!?

***Л. ОДИЛОВА.***

Бекажон

## ЮЗИНГИЗ ОЙНАДЕК РАВШАН БЎЛСИН

◆ Кўзгуга қулай жой топмоқчи бўлсангиз ёруғлик ойнага тушишини эмас, балки, ундан акс этишини ўйланг. Қуёшнинг нурлари тўғридан-тўғри кўзгуга келиб тушса, унинг юзига ёмон таъсир кўрсатади, куяди, хиралашади. Хираликни кетказиш учун қирқилган пиёзлардан фойдалансангиз бўлади. Лекин, пиёз билан ишқалаганингиздан кейин кўзгуни юмшоқ латта билан дарҳол артиб ташланг. Кўзгу яроқлаб туриши учун совуқ сув қўшилган чой билан тозаласангиз ҳам бўлади. Мабодо, у жуда ҳам ифлосланган бўлса, тиш ювадиган кукунни нашатир спиртга аралаштириб, ювинг. Бунда ҳам латта юмшоқ бўлишига эътибор беринг. Латтани кўзингиз қиймаса, унда бир бўлак эски газета олиб, ҳўллаб ишлатсангиз бўлади.

◆ Нашатир спирти қўшилган совуқ сув ва ош тузи шоколад ва какаодан ҳосил бўлган доғларнинг кушандаси саналади. Мабодо дастурхондаги винонинг доғларини кетказолмаган бўлсангиз, совуқ сув аралаштирилган нашатир спирти билан бемалол чаяверинг.

◆ Агар қора кўйлакка бехосдан упа тўкиб юборсангиз, уни ҳеч қачон қўлингиз билан қоқиб ташлай кўрманг. Тиш чўткаси билан ҳам тозалашга шошманг. Уни пуфлаб ташласангиз доғи қолмайди.

***Матлуба МАҲМУДХЎЖАЕВА.***

Ўзингизни синанг




**ГАЗЕТАМИЗНИНГ 31-ЯНВАРЬ СОНИДАГИ КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

**БЎЙИГА**: 1. Орган. 2. Айра. 3. Трембита. 4. Файз. 5. Дупоя. 8. Рондо. 9. Бурре. 11. Авлас. 12. Анонс. 15. Мандолина. 17. Балалайка. 19. Театр. 20. Кавал. 21. Харак. 23. Ашула. 28. Нохун. 30. Анвар. 31. Банда. 32. Чирманда. 33. Мақом. 37. «Болам». 39. Терма. 40. Дуэт. 42. Ажам.

**ЭНИГА**: 1. Опера. 4. Фарёд. 6. Модератор. 7. Актёр. 9. Бўғиз. 10. Нота. 12. Ария. 13. Варган. 14. Рефрен. 16. Дутор. 18. Сюита. 22. Вальс. 24. «Манас». 25. Фонограф. 26. Шукрулло. 27. Лапар. 28. Накра. 29. Саҳна. 34. Алиса. 35. Унисон. 36. Қасида. 37. Баян. 38. Рост. 40. «Домла». 41. Масна. 43. Мелодрама. 44. Мотет. 45. Месса.

### АЛДАМА

Истироҳат боғида эр-хотин сайр қилаяпти. Бирдан уларнинг кўзи ўриндиқда вино ичиб ўтирган кишига тушиб қолибди.

— Вой, шўрим, — дебди хотини. — Бу менинг собиқ эрим-ку! Ундан ажраганимга беш йил бўлди, ҳалиям ичаяпти-я.

— Алдама, — дебди эри, — бунақа узоқ байрам қилиш мумкин эмас.

**Тузувчи А.ХЎЖАМОВ.**



## Кулганга нима етсин!

### МЕН ҲАМ КЎРГАНМАН

Икки ошна бадиий фильм томоша қилишаётганди. Экранда альпинист тик қояга тирмашиб чиқа бошлади.

– Ҳозир қулаб тушади, – деди ошналарнинг бири.

– Қуламайди, ишонмасанг, кел, ўн мингдан гаров ўйнаймиз, – деди иккинчиси.

– Бўпти, – қўлини ташлади биринчиси.

Фильм тугади. Альпинист бешикаст томнинг тепасига чиқиб олди. Ютқазган ёнидан ўн минг чиқариб оғайнисига узатди.

– Керак эмас, мен ҳазил қилувдим, бу кинони кўрганман, – деди биринчиси.

– Олавер, мен ҳам кўрганман, – деди иккинчиси.

### ҚЎРҚИНЧЛИ ТУШ

Бир йигит оғайнисига ҳасрат қилди.

– Бугун кечаси даҳшатли туш кўрдим. Биласанми, авансимни хотинимга берибман, қолганини қайнонам санаб олибди.

– Юрагинг ёрилиб кетмаганига ҳайронман, – деди оғайниси.

### УЧИНЧИСИ ОРТИКЧА

Ҳашамдор бир тўйга келишган йигит кириб келибди. Уни иззат билан кутиб олишибди.

– Сиз куёв томонданмисиз?

– Йўқ.

– Келин томонданмисиз?

– Йўқ. Солиқ инспекцияси томонданман.

– О, сизни кутмаган эдик, – дейишибди тўйбошилар.

### СИР

Товуқнинг жуда катта тухум қилгани бутун фермада шов-шув бўлиб кетибди.

– Қандай қилиб эришдингиз? – сўрашибди товуқдан.

– Бу менинг кичкина сирим, – дебди одоб билан товуқ.

– Келгусидаги режаларингиз? – сўрашибди хўроздан.

– Лаънати туяқуш бир қўлимга тушсайди...

### ИШТАҲАНГИЗ ОЧИЛСИН

Икки акула денгизда сузиб кетаётиб, елканли қайиқда машқ қилаётган спортчини кўриб қолишибди.

– Қара, жуда яхши луқма экан-а, – дебди уларнинг бири, – ҳатто қўл сочиғини ҳам ёнига осиб қўйишибди-я.

Солиқ тизимида

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚАДИ

**Республикамизда бозор иқтисодиётига асосланган демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қурилаётган бугунги кунда халқимизнинг маънавиятини юксалтириш долзарб вазифа бўлиб турипти. Лекин, уларнинг ҳуқуқий маданиятини, аввало, амалдаги қонунларга риоя этиш даражаси белгилаб беради. Қонун ҳамма учун баробар ва унга амал қилинган тақдирдагина ҳуқуқий давлат қуришдан иборат мақсадимизга эришиш мумкин бўлади. Аммо, қонун ва меъёрий ҳужжатларни била туриб унга ҳилаф иш қилаётган фуқароларимиз ҳам барки, уларнинг фаолиятига ҳам қонуннинг ўзи баҳо беради.**

Вилоят давлат солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги инспекциялари ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 августдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан назорат ишлари амалга оширилганда бу янада яққол кўринди-қолди.

Мазкур қарор талабларининг бажарилиши бўйича 2000 йил мобайнида 1930та текшириш ўтказилиб, шундан 1389 ҳолатда ноқонуний йўллар билан вилоят ҳудудига олиб келинган, акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва алкоголли ичимликлар савдога олиб чиқилгани аниқланди. Олиб борилаётган тадбирлар натижасида икки миллион саксон саккиз минг бир юз сўмлик 5272 шиша спиртли ичимликлар ва ўн бир миллион тўққиз юз қирқ тўрт минг сўмлик 61314та тамаки маҳсулотлари олиб қўйилиб, ҳуқуқбузарлик содир этган 706 нафар шахсларга нисбатан 6371,2 минг сўмлик маъмурий жарима солинди.

Зангиотадаги Эшонгузар қишлоғи ҳудудида жойлашган «Ипподром» бозори рўпарасида фуқаро Муборакшина Мавжуда ноқонуний равишда акциз маркасисиз 360 қути умумий қиймати тўқсон уч минг беш юз сўмлик ҳар хил турдаги тамаки маҳсулотлари билан савдо қилаётганда, унинг моллари далилий ашё сифатида олиб қўйилди ва солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бошқармасининг Зангиота тумани бўлимига топширилди.

Худди шу қишлоқ ҳудуди фуқароси О. Бегамкулова ҳам умумий қиймати бир юз йигирма бир минг икки юз сўмлик 606 қути ҳар хил турдаги тамаки маҳсулотларини сотаётганда улар далилий ашё сифатида мусодара этилди.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманининг Ядро физикаси илмий-тадқиқот институти ётоқхонасида вақтинчалик яшовчи Навоий вилояти фуқароси А. Сафаров Зангиота туманида ҳеч қандай ҳужжатсиз, акциз маркаси бўлмаган умумий қиймати қирқ минг тўққиз юз сўмлик тамаки маҳсулотларини сотаётганда сири фош бўлди.

Чиноз туманида яшовчи фуқаро Т. Баҳодиров ноқонуний равишда ўз уйида қўлбола алкогол ичимликлари тайёрлаши ошкор бўлди. Унинг умумий қиймати тўқсон икки минг сўмлик 0,5 литр сиғимли 160 шиша спиртли ичимликлари ҳам мусодара этилди.

Юқоричирчиқ туманининг «Саксонота» қишлоғида яшовчи Ш. Мирзақулов ўз уйида ана шундай «фаолият» кўрсатганлиги учун муносиб жазоланди.

Чирчиқ шаҳрида яшовчи, 1945 йилда туғилган фуқаро М. Панченко ҳам ўз уйида «қўлбола» вино самагони тайёрлаб, ҳар литрини саккиз юз сўмдан ва кувватли кучайтирилган вино ичимлигининг ҳар литрини икки юз эллик сўмдан сотаётган пайтда қўлга олинди. Тўпланган ҳужжатларга асосан М. Панченкога нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-моддаси 2-«Б» қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган Чирчиқ шаҳридаги 46-уйда яшовчи М. Борохов эса Россия Федерациясидан келтирилган умумий қиймати бир юз эллик олти минг беш юз сўмлик 2264 қути «Прима» сигаретасини акциз маркаси бўлмаган ҳолда Чирчиқ шаҳар марказий деҳқон бозорида сотаётганда ушланди.

Зангиота тумани ҳудудига қарашли ҳалқа йўл ёқасидаги бозорчада фуқаро Исмоил Хўжаев томонидан сотилаётган умумий қиймати етмиш тўққиз минг икки юз сўмлик 360 қути «Пине лайт» ва «Родопи» сигаретлари акциз маркаси бўлмаганлиги учун олиб қўйилди ва қонуний чора кўриш учун солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликка қарши курашиш вилоят бошқармасига юборилди.

Худди шу ҳалқа йўл ёқасида фуқаро Фарҳод Солиҳов умумий қиймати икки юз йигирма олти минг беш юз сўмлик 1 минг қути турли сигареталарни акциз маркасисиз сотаётганлиги аниқланиб, тўпланган ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 186-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган «У-Даврон» хусусий ошхонасида ўтказилган назорат текширувида спиртли ичимликлар кирим ҳужжатисиз, сифат сертификатисиз сотилаётганлиги, акциз маркаси йўқ тамаки маҳсулотлари савдога қўйилганлиги маълум бўлди. Тўпланган ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 164-моддаси 1-қисми билан корхона раҳбари Р. Дўстматов ва сотувчи М. Ниғматовларнинг ҳар бирига 12500 сўмдан маъмурий жарима қўлланилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Энг асосийси, тўғри йўл қолиб, эгри йўлни кўзлаётган бундай тартиббузарлар қинғир ишнинг қийиғи чиқишини билиб қўйганлари маъқул. Негаки, кўза кунда бўлмаса ҳам куни-да синиши тайин.

***Аббосхон ВАЛИЕВ,***
***Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи.***

Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 7-11 февраль кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳаво булутланиб туради. Шу даврнинг ўрталарига бориб, айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Эрталаблари ва кечқурунлари туман тушади.

Ҳарорат кечалари 4-9 даража совуқ, кейинчалик 4 даража совуқ, 1 даража илиқ, кундуз кунлари эса 3-8 даража илиқликдан 2 даража совуқ, 3 даража илиқлик билан алмашинади.

**«Юнусобод-Саховат» ЖСК мулк шаклини ўзгартириши муносабати билан, 1994 йилдан бошлаб ишдан бўшаб кетган ишчиларни корхонага келишларини сўрайди.**
**Манзил: Юнусобод, 19-даҳа.**

TOSHKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 8 рақам билан рўйхатга олинган

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Г-2004. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40. 1 2 3 4 5 6